



THE IMPORTANCE OF REVIEWING COURT JUDGMENTS

Ibragimova Mahliyo Abdulaziz qizi ¹

¹ 3rd course of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4719674>

ARTICLE INFO

Received: 23rd April 2021

Accepted: 25th April 2021

Online: 27th April 2021

KEY WORDS

Constitution, court, judgment, judiciary, appeal, complaint, protest, justice, legality.

ABSTRACT

The article describes the tasks of further development of ensuring the rights and freedoms of citizens during court proceedings, timely consideration of complaints filed by citizens. The solutions to the problems encountered in the further development of these tasks are expressed.

СУД ХУКМЛАРИ, АЖРИМЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ АХАМИЯТИ

Ибрагимова Махлиё Абдулазиз қизи ¹

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 3-ўқув курси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 23-aprel 2021

Ma'qullandi: 25-aprel 2021

Chop etildi: 27-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Конституция, суд, ҳукм, суд ҳокимияти, апелляция, шикоят, протест, адолат, қонунийлик.

ANNOTATSIYA

Мақолада суд ишлари юритилаётган вақтда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни янада ривожлантириши, фуқаролар томонидан берилаётган шикоятларни ўз вақтида кўриб чиқиш вазифалари ёритилган. Ушбу вазифаларни янада ривожлантиришида учраётган муаммолар ечими ифодаланган.

Ҳар қандай давлатнинг обрў-эътибори ва нуфузи шу мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари қай даражада таъминлангани билан баҳоланади. Фуқароларнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш эса суд органлари билан боғлиқ. Мамлакатимизда босқичма-босқич олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг туб моҳияти, аввало, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга, унинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини оширишга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш

ҳамда қонунийликни таъминлашга қаратилганлиги билан ғоятда қимматли.

Табиийки, фуқаро суд даргоҳига адолат топиш илинжида келади. Инсонпарварлик, қонунийлик, адолатлилик ва демократик тамойиллар асосида ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши фуқарода мустақил суд ҳокимиятига нисбатан бўлган ишончли кескин оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар,



муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги назарда тутилган. Суд ҳужжатларининг буйруқ тарзидаги ўзига хос табиати уларнинг шакл ва мазмунига алоҳида катъий талабларни қўяди. Шу сабабли суд ҳужжатларини тўғри тушуниш ва аниқ ижросини таъминлаш учун судлар томонидан чиқарилаётган суд ҳужжатини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш, процессуал норма ва қоидаларга риоя қилиш ўта муҳим саналади.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасидаги муҳим вазифалар белгилаб берилди. Суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида “бир суд – бир инстанция” тамойилини жорий этиш, бир-бирини такрорлайдиган суд босқичларини қискартириш, суд муҳокамасига қадар дастлабки эшитиш амалиётини жорий этиш шулар жумласидандир.

Мазкур вазифаларнинг бажарилишини назарда тутувчи “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун Президент томонидан имзоланди.

Мазкур қонунга асосан Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши билан жиноят ишларини юритиш давомида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд қарорларининг ҳуқуқий аниқлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган бир қатор янги қоидалар жорий этилди.

ЖПКнинг “Суд ҳукмлари ва ажримларини қайта кўриб чиқиш” деб номланувчи бўлимидаги 55-боб чиқариб ташланиб, янги таҳрирдаги 55/1-боб киритилди.

Унга кўра, жиноят ишларини назорат тартибида кўриш институти бекор қилиниб ишларнинг йиллар давомида кўрилишига барҳам берилди. Суд қарорларини қайта кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилиб, туман-шаҳар судларида кўрилган жиноят ишлари вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция тартибида кўрилиши, апелляция суди қароридан норози бўлинган тақдирда Олий суд томонидан кассация тартибида кўриб чиқилиши белгиланди.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судларда кўрилган ишларнинг шу судлар томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқилишига чек қўйилиб, бу тоифадаги ишлар апелляция тартибида фақат Олий судда қайта кўрилиши катъий белгиланди ва бу билан жиноят ишини бир судда биринчи босқичда ҳам, апелляция босқичида ҳам кўрилиши бекор қилиниб, суд қарорларига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай шубҳа ва гумонларга барҳам берилди. “Бир суд – бир инстанция” тамойилининг мазмун-моҳияти ҳам ишнинг бир инстанцияда фақат бир марта кўрилишидандир.

Бундан ташқари, суд қарорлари устидан шикоят ёки протест бериш муддати 10 кундан 20 кунга узайтирилиб, суд қароридан норози тарафнинг апелляция шикояти ёки протести бериш имкониятлари яхшиланди.

Шунингдек, иш бўйича тўпланган далиллар судланувчини айбдор деб топиш учун етарли бўлмаганда ва қўшимча далиллар тўплаш имконияти қолмаганда, апелляция инстанцияси суди жиноят



ишини тугатиши мумкинлиги ҳақида янги коида жорий этилди.

Бундан ташқари, Олий судга берилган кассация шикоятни ёки протестини кўриб чиқиш тартиби, янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш каби инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган мезонларни ўзида мужассам этган янги қоидалар амалиётга киритилди.

Суд қарорларининг барқарорлиги – бу қуйи суд чиқарган ҳукм ва ажримларнинг юқори суд томонидан ўзгартирилмаслиги ёки бекор қилинмаслигидир. Зеро, Мурожаатномада судлар зиммасига ўз қарорининг барқарорлигини таъминлаш вазифаси юклатилган экан, судья зиммасига улкан

масъулият юкланганлигини ҳис этган ҳолда, суд муҳокамасида билдирилган барча важларни синчковлик билан, тўла ва холисона текшириб чиқиши, ҳақиқатни аниқлаши ва фақат қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқаришга эришиши керак.

Судья ҳуқуқни нотўғри қўллаб чиқарган қарорининг юқори судда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши баробарида ўзига нисбатан қайсидир тарзда жазо ҳам борлигини ҳис этиши ва ҳар қандай суд қарори фуқароларнинг кундалик ҳаётига таъсир қилишини доимо ёдда тутиш шарт. Бу эса судларнинг тўлақонли адолат кўрғонига айланиши учун улкан замин яратади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь кундаги Олий Мажлисга мурожаатномаси.
6. Жиноят-процессуал ҳуқуқ. Тошкент – 2019.
7. Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси”да.